Жумладан, Президентимизнинг Фармонида биноан виллоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Маъмура Жалилова ва Пахтаобод тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор Қобулjon Расулов «Жасорат» медали билан, тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан Иқболiddин Кетмон, виллоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, капитан Иқболлой Тошматов, ахборот маркази катта инспектори, катта сержант Муқаддасjon Мамадалиева ва Шаҳрихон тумани ИИБ 4-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсиз-

лиги қисми кичик инспектори, сержант Гулбаҳор Маткаримова «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди. Уларнинг бундай фидойилиги ёш ходимларга намунадир.

Виллоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти шахсий таркибни маънан етук, жисмонан бақувват, жанговар тайёргарлиги пухта бўлган ёшлар ҳисобига тўлдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундан уч йил аввал фойдаланишга топширилган «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг соғломлаштириш мажмуасида ички ишлар ходимлари мунтазам шуғулланиб, турли мусобақаларда иштирок этиб келишмоқда. Бугунги кунда андижонлик динамочилар сафида тарбияланган кўлаб спортчилар халқаро беллашувларда ғолибликни қўлга киритишяпти.


Ходимларимиз ўз хизмат вазифаларини нечоғли пухта бажараётгани фуқаролардан бошқарма раҳбарияти номига келаётган кўлаб миннатдорчилик мактубларидан ҳам билса бўлади. Умуман олганда, тинчлик, хотиржамлик – улўғ неъмат. Уни асраш, авайлаш, эл-юрт осойишталигини таъминлаш ички ишлар ходимларининг муқаддас бурчидир. Мазкур вазифани шараф билан адо этиш йўлида андижонлик ички ишлар ходимлари ҳамisha фалоллик кўрсатаверадилар.

Бахтиёр СИДИКОВ,
Андижон виллояти ИИБ бошлиғи,
генерал-майор.



Суратда: Пахтаобод тумани ИИБ ЙХХГ инспектори, капитан Бахтиёр Юсупов пахта ҳосилини ташишга жалб этилган тракторчи билан суҳбатлашмоқда.

ҲУШЁРЛИК – ХОТИРЖАМЛИК ДЕМАК



Андижон шаҳар ИИБ 2-милиция бўлими профилактика инспектори, капитан Дилшодбек Рўзमतov тунги назорат олиб бораётганда елкасига катта сумка осиб олган ёш йигит уни кўрди-ю қоча бошлади. Дилшодбек шубҳали шахсни ортидан қувиб, ниҳоят ушлаб олди. Хизмат хонасига олиб келиб, сумкасини кўздан кечирганида ичида дурбин, тилла тақинчоқлар ва сариқ металлдан ишланган тангалар борлиги маълум бўлди.

Ушбу йигитнинг шахси аниқланганда Андижон тумани Оқ ёр қишлоғида яшовчи Э. Ҳотам эканлиги, буюмлар ўғирлангани ойдинлашди. Капитан Д. Рўзमतov эрталаб тунги ҳолат бўйича Андижон шаҳар ИИБ раҳбариятига ахборот берди. Тилла тақинчоқ ва буюмларни уй эгаларига кўрсатиб, ҳужжатлаштириш юзасидан тезкор-тергов гуруҳи воқеа жойига йўл олди. Лекин хонадон эгаси ички ишлар ходимларини хушламай қарши олди. «Бизда ҳеч қандай тилла буюмлар бўлмаган. Бирор жойда ишламасак, рўзгордан ортириб қай йўсунда тилла тақинчоқ оламиз», дея дарвозани ёпиб олди.

Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари хонадон эгаси уйда қандайдир сир борлиги учун қаршилик кўрсатаётти, деган тўхтамага келишди. Шундан сўнг тегишли тартиб асосида тинтув ўтказилди. Натижада ертўладан умумий қиймати 61 миллион сўм бўлган пахта ёғи ашёвий далил сифатида олинди. Бундан ташқари, кўлаб диний адабиётлар, конституциявий тузумга қарши қартилган, турли даъватлар ёзилган дисклар ҳам топилди. Хонадон соҳиби ва Э. Ҳотамга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Шу тариқа профилактика инспекторининг ҳушёрлиги туфайли катта бир жиноят очилишига эришилди. Қарийб 18 йилдан буён шу соҳада фаолият кўрсатаётган капитан Дилшодбек Рўзमतovнинг ҳаётида бу каби воқеалар кўп бўлган. Андижон авиация техникумини тамомлаган Дилшодбек бироз муддат саноат

корхоналарининг бирида ишлади. Сўнгра кўнглидаги иштиёқ туфайли ички ишлар идорасига ишга кирди. Дастлаб Олтинқул тумани ИИБда оддий милиционер бўлиб хизматни бошлаган Д. Рўзमतov кейинчалик профилактика инспектори лавозимига ўтказилди. 2003 йилдан Андижон шаҳар ИИБда хизматни давом эттирди. Ҳозирда у Ҳақиқат маҳалласида профилактик ишларни олиб бораёпти. Бу ерда 3,5 мингдан ортиқ аҳолининг тинчлиги ва осойишталигига масъул.

– Капитан Дилшодбек Рўзमतov тажрибали ходимларимиздан биридир, – дейди Андижон шаҳар ИИБ ҲООб бошлиғи, майор Қобулjon Мадумаров. – Шу билан бирга у ёшларнинг устози. Катта лейтенант Фарҳод Илясов, лейтенантлар Қобулjon Раимбердиев, Зарифjon Муқомов ва бошқаларга касб сирларини ўргатиб келаяпти.

Оилада икки ўғил вояга етмоқда. Каттаси Бехзод бу йил 13 ёшга кирди. Орзуси ички ишлар ходими бўлиш. Мақсадига эришиш учун хозирдан тайёргарлик кўрмоқда. Мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга турли спорт тўғрақларига қатнашяпти.

Дилшодбек Рўзमतov эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланиб қўяди.

Суратда: профилактика инспектори, капитан Д. Рўзमतov хизмат пайтида. Раимjon УЛМАСОВ олган сурат.

Пахтаобод тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими томонидан 60га яқин халқ ҳўжалиги масканлари ва 20 дан зиёд хонадонлар кўриқланмоқда. Халқ ишонч билдираётгани сабабли кўриқловдаги масканлар сони тобора ортиб бораёпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 6 тадан халқ ҳўжалиги маскани ҳамда хонадон янгитдан кўриққа олинди. Уларнинг деярли барчаси марказлашган техник кўриқлаш пультига уланган.

Сўнги йилларда бўлинма моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Ходимлар автотранспорт ва алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, кўриқдаги масканларни видеотасвир орқали назорат қилиб бориш ҳам йўлга қўйилди.

Ходимларнинг ҳушёрлиги натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 35 та ташмачилик ҳолати аниқланди. Қонунбузарлардан умумий қиймати 558256 сўмлик моддий-товар бойликлар олин-

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧ

ди. Булардан ташқари, ходимлар соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда кенг қамровли «Тозалаш-Антитеррор» тадбирида иштирок этиб, кўлаб жиноятларни фoш этишда фаоллик кўрсатишяпти. Ана шундай тадбир чоғида Пахтаобод шаҳрида яшовчи Х. Абдумажиднинг хонадонидан бир гуруҳ шахсларнинг қимор ўйнаётганликлари аниқланди. Тўққиз кишидан иборат бўлган ушбу гуруҳ аъзоларидан 500 минг сўмдан ортиқ пуллар ашёвий далил сифатида олинди. Киморбозлардан бири ички ишлар ходимларини кўриб қочиб кетишга уринди. Лекин осойишталик посбонлари бунга имконият беришмади. Унинг ёни кўздан кечирилганда чўнтагидан 16,8 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси топилди.


Бўлинмада ўз касбини ардоқлаб келаётган ходимлар кўпчилигини ташкил этади. Катта сержант Акмал Кўзибоев, сафдорлар Асрор Сидиков, Иқбол Исмоилов ва Санжар Абдувалиевлар намунали хулқи ва аъло хизмати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Сир эмаски, аксарият ходимлар ёшлардан иборат. Уларнинг маънавий дунёқарашини

шакллантириш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини мунтазам синовдан ўтказиб

ди. Булардан ташқари, ходимлар соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда кенг қамровли «Тозалаш-Антитеррор» тадбирида иштирок этиб, кўлаб жиноятларни фoш этишда фаоллик кўрсатишяпти. Ана шундай тадбир чоғида Пахтаобод шаҳрида яшовчи Х. Абдумажиднинг хонадонидан бир гуруҳ шахсларнинг қимор ўйнаётганликлари аниқланди. Тўққиз кишидан иборат бўлган ушбу гуруҳ аъзоларидан 500 минг сўмдан ортиқ пуллар ашёвий далил сифатида олинди. Киморбозлардан бири ички ишлар ходимларини кўриб қочиб кетишга уринди. Лекин осойишталик посбонлари бунга имконият беришмади. Унинг ёни кўздан кечирилганда чўнтагидан 16,8 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси топилди.

Сир эмаски, аксарият ходимлар ёшлардан иборат. Уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини мунтазам синовдан ўтказиб



Суратда: сафдор Жамолдин Зокиров ва марказлашган кўриқлаш пульти оператори Омонилло Мирзаабдуллаев хизмат пайтида.

УСТОЗ КЎРГАН ШОГИРД

Избоскан тумани марказида яшовчи Салим Собиров «Матиз» русумли автомашинасида қирақашлик қиларди. Қунларнинг бирида у ёнидаги ҳўжатлардан бирини уйда қолдиргани ёдига тушиб, ортига қайтди. У шoшганидан машина ка-

литини олишни унутиб, ичкарига кириб кетди. Бироз вақт ўтган қайтиб чиқиб не кўз билан кўрсинки машинаси қўйилган жойда йўқ эди. Жабранувчи вақтни бой бермай зудлик билан ички ишлар идорасига хабар берди.

Мазкур ҳолат бўйича виллоятда «Тўсиб ушлаш» тадбири эълон қилинди. Бир неча соат ўтган йўл-патруль хизмати ходимлари олиб қочилган «Матиз» автомашинасини туман ҳудудида техник шикастланган ҳолда топилди.

Маълум бўлишича, машинани олиб қочган шахс уни бошқара олмай, симёғочга бориб урган. Воқеа жойига борган тезкор-тергов гуруҳи аъзолари орасида эксперт-криминалист, лейтенант Дилшодбек Умаров ҳам бор эди. У ҳалокатга учраган машина рули ва эшикларидан автомобиль ўғирсининг бармоқ изларини олди. Ушбу бармоқ излари «Адис Сонда» базасидаги маълумотлар асосида идентификация қилинганда, Избоскан туманида яшовчи, муқаддам судланган А. Санжарники эканлиги маълум бўлди. Келтирилган экспертиза хулосасидан сўнг гумондор айбини тан олди.

– Дусларим билан спиртли ичимлик ичиб ўтиргандик, бироз камлик қилди, – дея воқеа тафсилотини сўзлади Санжар. – Улар мени дўкундан ароқ олиб келишга юборишди. Дўкон узоқда жойлашгани учун пиёда юришни йўл четида тўхтаб, ҳайдовчи шoшганча уларнинг бирига кириб кетди. Қарасам қалити ўзида экан. Моторни ўт олдириб, газни босдим. Лекин катта тезликда машинани бошқара олмай, симёғочга бориб урилдим.

Ушбу жиноят эксперт-криминалист, лейтенант Дилшодбек Умаровнинг моҳирлиги туфайли қисқа фурсатда фoш этилди.

Д. Умаров Наманган давлат университетини аъло баҳолар билан тамомлагач, Улуғнор туманидаги ўрта мактабларнинг бирида кимё фанидан сабоқ бера бошлади. 2007 йилдан эса ички ишлар идорасида фаолият кўрсатмоқда. Бошланғич тайёргарликдан яхши ўтган Д. Умаров Андижон виллояти ИИБ ЭКБ эксперт-криминалисти лавозимига тайинланди.

– Менинг устозларим – бўлим бошлиғи, полковник Фулом ака Рахимов, бошлиқ ўринбосари, подполковник Сергей Нежурин, туманлараро эксперт-криминалистика бўлимидаги бошлиғи, майор Дилшодбек Қодировдир, – дейди лейтенант Д. Умаров. – Улардан ушбу хизматнинг сирларини муқамал ўргандим. Бу орада ИИБ Академияси ҳамда вазирлик Экспертиза-криминалистика марказида бир неча марта бўлиб, маляка ошириб қайтдим.

Умуман олганда, ҳар бир эксперт-криминалист бой иш тажрибасига эга бўлиши, жиноятни фoш этишга оддий аҳамиётсиз туолган нарсаларга ҳам эътибор қаратиши зарур. Қўпича қалавнинг учи унинг касб маҳорати туфайли топилади. Лейтенант Д. Умаров бунга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.



Суратда: Андижон виллояти ИИБ ЭКБ эксперт-криминалисти, лейтенант Дилшодбек Умаров иш устида. Д. ҚОДИРОВ олган сурат.

Маърифат дарси

Дунёга келган ҳар бир гўдак улғайганда, ундан «Устозим ким» деб сўрайдилар. Албатта, у ҳеч иккиланмасдан ота-онам дейди, кейин илк бор қўлига қалам тутқазган муаллимни айтади. Ҳозирги даврда фаолиятнинг алоҳида тури сифатида мавжуд. Сабаби инсон фақат таълим-тарбия туфайлигина ҳаётини давом эттира олади ва ривожлантиради. Ҳозирги даврда ўқитувчи, муаллим, деганда турли йўналишдаги ўрта умумий таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқувчилар билан таълим-тарбия ишларини амалга оширадиган мутахассис кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шунингдек, ўқитувчиларга нисбатан «устоз», «муаллим» ёки «педагог», олий ўқув юртлирининг ўқитувчиларига эса «дома», «ўқитувчи-профессор» атамалари қўлланилади.

нинг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилди...» – деб эътироф этилган ўқитувчи, мураббийларнинг ижодий ишлашлари, мустақил равишда билим ва малакаларини оширишлари имконият яратиш билан боғлиқдир. Ўтган давр мобайнида ўқитувчи ва мураббийларнинг ойлик маошлари бир неча баробар оширилгани эътиборга лойиқдир. Ўқитувчилар малакасини

куни сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилганимизнинг чуқур маъноси бор, албатта. Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ҳамда маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз-мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эътиромининг яққол намунаси, – деб эътироф этилган бу соҳадагиларга бўлган чексиз ҳурматнинг ифодасидир. Мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» сингари фахрий унвонлар мавжуд бўлиб, кўп ўқитувчи, мураббийлар бу фахрий унвонларнинг соҳибларига айланишган. Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийлардан кўпчилиги «Қорақалпоғистон халқ ўқитувчиси», «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонларига сазовор бўлишган. Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлардан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлари эътиборга лойиқдир. Педагог-кадрлардан «Эл-юрт ҳурмати», «Фидокорона хизматлари

УСТОЗЛАР ВА МУРАББИЙЛАР – ЁШЛАРГА ЙЎЛБОШЧИЛАР

Мураббийлик – ёшларга ахлоқ-одоб, касб-хунар, илм ва фан соҳаларини ўргатиш, санъат, спорт машғулотларига раҳбарлик қилиш фаолиятидир. Мураббийлик оилада, маҳаллада, таълим-тарбия, спорт муассасаларида, меҳнат ва жамоат ташкилотларида амалга оширилади. Педагогика тарихида кишилик жамиятининг турли босқичларида ёшларга таълим-тарбия беришда ўқитувчи ҳамда мураббийларга бўлган талаб ва муносабатлар ўзига хослиги билан ажралиб турган. Шарқда устозлар ва уларнинг меҳнатига эҳтиром юқори бўлган. «Ота меҳридан афзал жабри устоз», «Устоз отангдек улуг» иборалар устозга бўлган ҳурматни англатади. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида, яъни ўлка-мишқалда маърифатчилик ҳаракати бўлиши билан ўқитувчиларнинг савиясига алоҳида эътибор берилган. Ўқитувчилар савиясининг ошганлиги миллат руҳиятида уйғониш бўлишига, тараққиётнинг бир қадам тезлашувига олиб келди. Ўқитувчилар олдида турган вазифалар ва унинг мавқеи жамият тараққиёти даврларида турлича бўлган.

миллий дастурида ўз ифодасини топди. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси «Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи» бўлиб «Тегишли маълумоти, касб тайёрлиги бор ва юқсак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга... Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан

ошириш тизимида ҳар бир ўқитувчига тегишли ҳуқуқлардаги педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида бепул педагогик ва методик ёрдам олиш имконияти яратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда, иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам



шугулланишига йўл қўйилмайди», – деб ўқитувчи ва мураббийлар ўқувчиларга меҳр-муруватли, ахлоқли, одобли, одамийлик каби фазилатлар соҳиблари бўлишларида жиддий эътибор қаратилган. Бундан ўқитувчи алоҳида ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият аъзоларининг шаклланишига таъсир кўрсатгани учун ҳам унинг шахслик сифатлари касбий фазилатларидан муҳимроқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг профессионал жиҳатдангина етук бўлиши кифоя қилмайди. Унинг маънавий олами ўқувчиларга сингдирилиши кўзда тутилган эзгу инсоний сифатларга тўйинган бўлиши керак. Педагог кадрлар тайёрладиган олий ўқув юртлирида айна шу жиҳатга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур қонуннинг 21-моддаси «Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш» бўлиб «Таълим муассасалари ходимларига иш вақти-

қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши таъминловчи давлат ҳамда нодавлат таълим муассасалари ташкил этилиб бу соҳада фаолият олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасида масофадан ўқитиш, профессионал тренинглари, илғор технология ва ускуналардан фойдаланишда, мураккаб фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар фаолияти, меҳнати юқсак кадрланади. 1997 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни» умумхалқ байрами сифатида нишонланади ҳамда шу сана дам олиш кўни сифатида белгилаб қўйилган. Бу байрамнинг маъно-моҳияти Юртимизнинг «Юқсак маънавият – энгилмас куч» асарида «Биз юртимизда 1 октябрь санасини ўқитувчилар ва мураббийлар

учун», «Меҳнат шўхрати», «Соғлом авлод учун», «Дўстлик» орденлари, «Шўхрат», «Жасорат» медаллари билан тақдирланганлари юртимизда таълим соҳаси ходимларига бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодасидир. Устоз ва мураббийларнинг амалиётчилик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик, ижрочилик вазифаларини сидқидилдан амалга ошираётганлари бугунги ёш авлоднинг баркамол шахслар сифатида шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиб, мамлакат тараққиётини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Акрам АКМАЛОВ.

Ижтимоий-сиёсий сабоқ

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон қадри, ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида кўплаб қимматли фикрлар битилган. Жумладан, 13-моддада шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Бу қадриятларни кўз қорачиқдек асраш, камол топтириш ҳар бир давлат раҳбарининг инсоний бурчидир, албатта. Президентимизнинг «Юқсак маънавият – энгилмас куч» асаридан «Инсон қалбига йўл» деган бўлим бор. Бу сарлаҳа бежиз қўйилмаган. Унда инсон қалбига, кўнглига йўл топиш нақадар мушқуллигига алоҳида ургу берилган. Ахир, инсон қалби, кўнгли меҳр-муҳаббатга, шўхроналик ҳиссига лиммо-лим бўлгандагина яшашда маъни бўлади. Инсон азиз Ватанда азизлигини англайди.

Юртимизимиз мазкур асаридан куйидаги ажойиб ўхшатишни келтирилган: «Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кеңириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий олами бамисоли парвоз қилаётган қушинг икки қанотига қисқасас, уйлмайманки, ўрилли бўлади». Ҳа, парвоз қилаётган қуш қанотларини кенг ёйиб Ватан кенгликларини, салобатини, тоза ҳавосини, жами гўзалликларини бор бўйича кўра олади. Бахтли инсон ҳам Ватани ана шу озод қушдек ҳис этиди.

Бўлмасин субҳинг қаро Бор бўл мудом борлиқ аро. Ўзини этгил доимо Инсон ўзинг, инсон ўзинг.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов қаламига мансуб ушбу сатрлар унинг «Инсон» қасидасида энг эътиборли ўринлардан бирини эгалайди. Шоирнинг «инсон бўл» деб қайта-қайта мурожаат этишида чуқур маъно бор. Чунки инсон шу муқаддас Ватанга аввало муносиб фарзанд бўлмоғи керак. Бу муносиб фарзандлик сидқидилдан унга хизмат қилиш, керак бўлса, ўз жонини фидо қилишга тайёр туришда кўринади. Алишер Навоий ўз асарларида «инсоний» деган сўзни кўп қўллаганлар. Инсон инсоний бўлмоғи керак деб бир ўринда шундай битганлар: **Они башар хайлининг инсонни бил, Одамийлар одимийсин они бил.** Бу ўринда инсоний одам инсоният аҳлининг гултожи бўлмоғи кераклигига алоҳида ургу берилмоқда. Умуман, инсон деган сўзнинг ўзида бир сеҳр борга ўхшайди. Ҳар бир инсон ўзига шу номга лойиқманми-йўқми деган саволни ҳар кун бермоғи керак. Унга ижобий жавоб бера олмаган пайтларда Ватан қор-ҳўлига ярайдиган бирор иш қилишга жазм этмоғи лозим. Муқаддас Курьони қаримда

«Инсон» сураси бор. Унинг нега шундай номланишига муфассирлар куйидагича изоҳ беришади: «Бу суранинг аввалида Аллоҳ таоло инсон эотини қай тарзда йўқдан бор қилгани ва уни ҳаётга йўллагани тўғрисидаги оятлар зикр қилинган, дунёдан кофирлик билан ўтадиган кимсаларнинг охират кунда топажак оқибатлари ва қиёмат кунда аҳли иймон эришадиган абадий саодат хусусида батафсил хабар берилди». Агар «Ватанин севмоқ иймондандир» иборасини инобатга оладиган бўлсак сувоқли заманда сувоқли инсон бўлиш нақадар буюк бахтидир. Президентимиз Мустақилликнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида қуйидаги маълумотни келтириб ўтдилар: «Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва гамхўрлик кўрсатиш улзуксиз ўсиб бораётганлигининг тасдиғи сифатида аҳоли-мизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йилгирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшгача етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради». Ибратли ҳодиса. Бу кўрсаткич йилдан-йилга яна ўсиб боришига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Жамиятда юз бераётган юксалишлар шундан далолат бериб турибди. Афсуски, бу ўзгаришларни қўрқолмайдиган кимсалар ҳам бор. Ёт мафкура, ёт гоъ таъсирида улар тараққиётга раҳна солишга интиладилар. Ён-ат-

рофимизда рўй бераётган воқеалар айнан ана шу таъсир остида содир бўлмоқда. Ватан осойишталиғи, инсон бахт-саодатини ўйламаган кишилар ғайри гоълар қурбони бўлмоқда. Ваҳолаки, Юртимизимиз таъкидлаганларидек, «Жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлиши оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим». Ўтмишда яшаб ўтган буюк ватандошларимиз асарлари, улар қолдирган бебаҳо маънавий бойликлар ҳам юқоридаги фикрлар нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Бугунги кунда ҳам қайси бир замондош олим, шоир, ёзувчи ёки оддий бир инсон гапига қулоқ солсангиз улар аввало инсон саодатидан сўзлайдилар, унинг камолотини кўзлайдилар. Ахир, бу беш кунлик кунда инсон фаровон ҳаёт кеңиришга ҳақми-да! Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Инсон» шеърида шундай мисралар бор: **Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз, Унда миллат яшар, унда тил яшар. Унда аждод фикри яшайди сўзсиз, Унда истиқомат қилади башар.** Ҳамма бир тан-у, бир жон бўлган Ватанда бахтиёр инсонлар давр суриши кўнха тарихдан маълум. Бугунги саъй-ҳаракатларнинг барчаси янада ҳурраман замонлар келишига қаратилгандир. Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган кўпжа қарорлар ва амалга оширилаётган тадбирлар ҳам шу эзгу мақсадни кўзламоқда. Инсон ҳақида битилган кўпжа китоблар, мақолалар, шеърлар, бадий асарларни ўқиб шунга қомил инсон ҳосил қилдимки, инсон ҳамиша ўзлигини англаб яшашга интилади. Ўзлигини англаганда эса Ватан, Миллат, Халқ, Ҳаёт қадрига етди. Умрини, бутун борлигини, илму-тафаккурини шу эзгу иш учун сарфлашга интилади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Элу-юртимизнинг осойишталиғи, осмонимизнинг мусаффолиги, бутунгун кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзиданги табассум, бу – мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимизнинг осойишталиғи ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал». Бу олий мақсадлар халқимизга ёр бўлиб келмоқда. **Чоршаъ РЎЗИЕВ.**

Китоб жавонингизга

МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.



Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Қонунни ҳимоя қилувчи органларнинг асосий вазифаси, аниқло, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонуларини яхши билишларини эриштириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир». Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мақсади – инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаат-



Навбатдаги энг устувор вазифа – суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ушбу ижобий ўзгаришларни ҳаётга оғишмай тўғри татбиқ этишдан иборат. Мазкур вазифанинг қай даражада ижро этилиши, энг аввало, уни амалга оширувчи мутахассис-кадрларнинг фаолиятига боғлиқдир. Юқсак малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш эса, энг аввало, замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратишга тақозо этиди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари ҳам бу долзарб вазифанинг тўла-тўқис ва самарали амалга оширилишига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшмоқда. Юридик фанлар номзодалари, доцентлар майор Б. Саидов ва Олий академик курслар тингловчиси, майор А. Умархановлар томонидан тайёрланган «Жиноят процесси принциплари» ўқув қўлланмаси юқорида баён этилган масъулиятли вазифани амалга оширишга қаратилган ишлардан биридир. Мазкур қўлланмаш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал

кодексда қайд этилган барча принципларга батафсил тўхталиб, уларнинг мазмуни-моҳиятини ёритишга ҳаракат қилинган. Қўлланма жиноят процессининг принципларига бағишлангани боис, унинг барча бобларида жиноят процессида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари устувор аҳамият касб этишига алоҳида ургу берилган. Айниқса, суд-ҳуқуқ ислохотлари жадал ривожланаётган, шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилаётган бугунги кунда мазкур қўлланма янада юқсак аҳамият касб этиди. Муаллифлар жиноят процесси принципларини конституциявий, махсус ва соҳаный турларга бўлиб, уни тизимлаштирган ҳолда ёритишга алоҳида эътибор қаратишган. Зотан, бу усул жиноят процесси принципларини тезда ва ҳар томонлама тушуниб олишда қўл келди. **Темир ҚУРБОНОВ, подполковник.**

Фахр

РИШОД – ЖАХОН ЧЕМПИОНИ



Яқинда Япониянинг Токио шаҳрида дзюдо бўйича эркалар ва хотин-қизлар ўртасидаги XXVII жаҳон чемпионатида дунёнинг 111 мамлакатидан келган жами 848 нафар полвон орасида вакилларимиз ҳеч қандай кам эмасликларини исботлашди. Жаҳон чемпионати медаллари ва 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколар учун кечган беллашуларда олтинчи килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Ришод Собиров барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунинг билан айтиш жоизки, Ришод ушбу спорт тури бўйича ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони сифатида тарихдан жой олди.

Истеъдодли дзюдочимиз қизиқарли кечган баҳсларда болгариялик Янислав Герчев, жанубий Кореялик Жанг Жин Мин, яманлик Али Хусрав, италиялик Элио Верде ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда эса Ришод амалдаги жаҳон чемпиони, украинлик номдор курашчи Георгий Зантарияга ҳеч қандай имконият қолдирмади ва мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. Шохсупанинг учинчи поғонасидан Арсен Галстан (Россия) ва Хироаки Хироака (Япония) жой олишди.

Моҳир курашчимиз Ришод Собиров 1986 йил 11 сентябрда Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган. Ун бир ёшдан бошлаб мураббий Дилшод Тўраевдан дзюдо сирларини пухта ўрганди. Тинимсиз машгулотлар самараси уни спортчи сифатида шакллантирди. Ёш дзюдочимиз мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт тизимининг бири «Универсиада» мусобақасида танилди. 2007 йили дзюдо бўйича Осиё биринчилигида кумуш медални қўлга киритди. Ришоднинг энг катта муваффақиятларидан бири – Пекин Олимпиадасида бронза медали соҳиби деган номга сазовор бўлди.

Спортимиз юлдузлари ДАМИРНИНГ ЯНА БИР ОЛТИН МЕДАЛИ

Мустақилликнинг 19 йиллиги нишонланаётган кунларда жаҳоннинг бир қатор оммавий ахборот воситаларида ажойиб хўшхабар тарқалди. Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида ўтаётган Бутунжаҳон яққаураш ўйинларида ўзбекистонлик полвон Дамир Муҳидов 68 килограмм вазли спортчилар ўртасида мутлақ голибликни қўлга киритиб, бу нуфузли мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.



Транспорт ИИБ Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ Навоий темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлимиси тезкор вакили, катта лейтенант Дамир Муҳидовнинг медаллар шодасига яна битта олтин медаль қўшилгани, ҳамкасбимизнинг нуфузли мусобақада голиб бўлгани дилчимизни фахр туйғусига тўлдирди.

Дамир Муҳидов ИИБ Академиясида ўқиб юрган кезларидаёқ маҳоратли спортчи сифатида танилган. Курашнинг самбо тури бўйича йирик мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўйинларни эгаллашган. У Жаҳон, уч карра Осиё чемпиони, бир неча халқаро турнирлар голиби бўлган.

курагини ерга текказиб, финалга чиқди ва Қозғистонлик рақибини ҳам енгди. Ўзбек полвонининг шухрати оламга ёйилди, унинг номи билан эса юртимизнинг шарафи яна бир бор олқишланди.

Саломатлик сабоқлари

ВИРУСЛИ ГЕМОМРАГИК ИСИТМАДАН САҚЛАНИНГ!

Абу Али ибн Синонинг шогирдларидан бири Журжоний ўзининг «Хоразм бойликлари» номи асарининг «Кичик касалликлар» бўлимида гемморрагик иситма касалликлар тўғрисида ёзиб, бу хасталик аксарият ҳолларда оғир кечиши ва ўлимга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаган. Уша замоналарда ушбу касаллик халқ тилида «Қора ҳалак», «Қон оқиши», «Бурундан қон кетиши» деб аталганлиги ҳам Урта Осиёда у азаддан мавжуд бўлганини кўрсатади.

XX аср ўрталарида келиб, бу касалликлар илмий асосда ўрганила бошланди. 1935 йилда «Буйрак синдроми билан кечадиган гемморрагик иситма», 1940-47 йилларда «Крим гемморрагик иситма» ва 1945-46 йилларда эса «Омск гемморрагик иситмаси» каби юқумли касалликлар мавжуд бўлган. Шундан сўнг «Марбург гемморрагик иситмаси», «Ласса гемморрагик иситмаси», «Эбол гемморрагик иситмаси» касалликлари аниқланди.

Бугунги кунга вирусли гемморрагик иситма (ВГИ) касалликларининг 15 та тури бўлиб, шулардан 13 таси одамларда ва 2 таси ҳайвонларда учраши ўрганилган. Машҳур олим М. Чумаков ер юзидан учрайдиган ВГИ касалликларининг эпидемиологик хусусиятлари ва жўғрофий тарқалишига қараб 3 гуруҳга бўлган: каналар орқали, чивинлар ва мулоқот йўли билан юқадиган гуруҳлардир.

Моҳир спортчи Дамир Муҳидов Озарбайжон, Грузия, Франция, Россия, Чехия, Испания вакилларининг

Т. ҲАЛИМОВ, лейтенант. Суратда: моҳир самбо курашчи Дамир Муҳидов.

нинг патогенези, клиник кечиши, ривожланиши, эпидемиологик жараённинг намойён бўлиши, кўзгатуви манбалари ва юқиб механизми билан бир-бириндан фарқ қилади. Ўта юқувчанлиги (контагиозлиги) ва ўлим кўрсаткичининг юқорилиги ҳамда аксарият ҳолларда касалликларнинг касб билан боғлиқлиги унинг бошқа юқумли касалликлардан фарқ қилувчанлигини аниқлайди. ВГИ касалликларидан сарик иситма карантин гуруҳли юқумли касалликлар, Марбург, Ласса, Эбол, Боливиа, Аргентина ва Крим-Конго гемморрагик иситмалари ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига киритилган.

Кўпкураш

МАҚСАД – ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК

Яқинда вилоят ИИБ саф бўлинмалари шахсий таркиби ўртасида кўпкураш бўйича биринчилик ўтказилди. Унда 4 та жамоадан 60 нафар ходимлар иштирок этди.

– Ходимлар спорт билан мунтазам шуғулланганликлари мусобақада қўл келди, – дейди вилоят ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, майор Абдухалил Йўлдошев. – Чунки спорт хизматда жуда асқотади. Худди шунингдек, жиноятчиларни қўлга олишда, йўл ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, хуллас, барча хизматларида чаптаст, чаққон, жисмонан чиниққан ходим панд емайди. Мусобақани ўтказишдан мақсад – ходимларнинг жисмоний баркамоллика эришишида ёрдам беришдан иборат эди.

Беллашуларда ходимлар арқон тортиш, куролни қисмларга ажратиб, йиғиш, 10 кг. оғирликдаги махсус кутини марра чизигига олиб бориш, ҳимоя никобини тақиб югуриш,



тўсинда тортилиш, тош кўтариш, 3000 метрга югуриш, қўл жанги усулларини намойиш қилиш, жанговар қуролдан ўқ отиш бўйича куч синашишди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони жамоаси

эгаллади. Иккинчи ўрин вилоят ИИБ ЕХБ вакилларига насиб этди. Шахсий биринчиликда эса вилоят ИИБ ЕХБ ёнғин ўчирувчиси, сафдор Дилшод Исмонов (65 кг.), вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони милиционер

Фарҳод Тиркашев (85 кг.), вилоят ИИБ ЕХБ ёнғин ўчирувчиси, кичик сержант Салоҳуддин Холмирзаев (90 кг.), вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони махсус отряд гуруҳ командири, кичик сержант Мурод Темиров (90 кг.дан ортик) шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Голиб жамоа ва спортчилар вилоят ИИБ раҳбарияти ҳамда «Динамо» ЖТСЖнинг Фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Дониёрбек РАХИМОВ, лейтенант. Анджон вилояти. Суратда: мусобақа пайти.

АЁЛЛАР БАҲСИ

Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўз навбатида аёлларимиз ҳам барча жабҳаларда сидқидилдан меҳнат қилиб, ўзларнинг фаол, бошқалардан кам эмасликларини намойён этмоқда. Чунончи, вилоят ички ишлар идораларида эркалар билан бир сафда юрт тинчилиги ва осойишталигини сақлашга муносиб ҳисса қўшаётган аёллар талайгина.

Гулистон шаҳар марказий ўйингоҳида вилоят ИИБ Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ички ишлар идораларида хизмат қилаётган шаходатланган ва эркин ёлланган ходимлар ўртасида «Баркамол авлод – юрт келажаги» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди.

Қўл жанги

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Вилоят «Динамо» ЖТСЖ жисмоний тарбия жамоалари ўртасида спортнинг қўл жанги тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда 21 та жамоадан жами 126 нафар ходим иштирок этди. Қизиқарли ва қизгин беллашуларда жисмонан бақувват ходимларнинг қўли баян келди.

Беллашуларда вилоят ИИБ аппарати жамоасига тенг келадигани топилмади. Вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими жамоаси иккинчи, бошқарма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони эса учинчи ўринлар насиб этди.

Шунингдек, Ф. Ҳолиқов, О. Мухторов, С. Болтаев, Т. Жалилов, Х. Хусенов, М. Асадовлар ўз вазни тоифаларида фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Голиб жамоа ва спортчиларга вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг Фахрий ёрликлари, кубоклар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Комил БОБОВ, подполковник. Бухоро вилояти.

Спартакиада АҚЛ ЧАРХИ

Ўзбекистон шахмат федерациясида Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти XIX Спартакиада дастурига киритилган мазкур мусобақада ўн иккита жамоадан жами 36 нафар спортчи голиблик учун баҳс олиб боришди.

Қизиқарли кечган беллашулар якунига кўра, республика МХХ жамоасига тенг келадигани топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда республика Божхона қўмитаси жамоаси эгаллади.

Шахсий биринчилик баҳсларида МХХ спортчиларидан Ш. Муҳитдинов, Р. Сайдалиев, С. Қодиров шохсупанинг биринчи, иккинчи ва учинчи поғоналаридан жой олишга муваффақ бўлишди.

Голиб жамоа ва спортчилар Фахрий ёрлик, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

А. ҚУРБОНМУРОДОВ.



Суратда: мусобақадан лавҳа.

ТИББИЁТДАГИ ЯНГИ ЮТУҚ



Куддус университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари инсон организмидagi иммунитет танқислиги вирусини даволашда салмоқли муваффақиятга эришганини маълум қилди. Уларнинг сузларига қараганда, муолажанинг янги усули ёрдамида ОИТС билан зарарланган ҳужайраларни тўлиқ нобуд этишга имкон тўғилди. Исроиллик олимларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «ОИТС бўйича изланиш ва уни даволаш» («AIDS Research and Therapy») илмий нашрида чоп этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугун ушбу касалликни даволашда қўлланадиган барча усуллар организмда вирус тарқалишининг олдини олиши мумкин эди, холос. Янги метод билан эса касалликка батамом барҳам бериш мумкин. – Маълумки, ОИТС вирусини инсон танасига тушган, ҳужайралар таркибига кириб, уларни зарарлай бошлайди. Ўз навбатида зарарланган ҳужайралар ҳам вируснинг яна кўпайишига замин яратди. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз мақсадли равишда зарарланган ҳужайраларнинг ўзини ҳам нобуд қилишга эътибор қаратдик, – дейди олимлардан бири Аарон Вебер. Тадқиқотлар давомида зарарланган ҳужайраларни нобуд қилиш учун вируснинг ҳужайраларга кириш механизмидан фойдаланилган. Аниқроқ айтганда, махсус яратилган пептид (органик модда)лар ёрдамида мутахассислар тезкор суръатларда вирусни битта ҳужайра таркибидан ўз ДНКсини нусхалашга «мажбур қилди». Бу ҳолат эса ўз навбатида ҳужайра апоптози, яъни ўзини-ўзи нобуд этишига олиб келди. Шу та-

«Баркамол авлод – юрт келажяги» танловига

БОЛАЛАР ҚАЛБИДАГИ УЛҒАЙИШЛАР

Агар эътибор берган бўлсангиз, Ўзбекистон телевидениеси орқали бир лавха тез-тез намойиш этиб турилади. Унда нуруний отахон икки набира-сини етаклаб, пойтахтимиздаги буюк алломалар номи билан аталувчи хиб-бонлар ва боғларни зиёрат қилади. Болаларга бу жойларда кад ростлаган ҳайкаллари кўрсатар экан: «Мана бу улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий, мана бу соҳибқирон бобомиз Амир Темур, буниси эса буюк фалакшунос олим Мирзо Улугбек», дея уларни юртимизда илм-фан, таълим, маданият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган таниқли аждодларимизнинг ҳаёти билан таништириб боради. Ушбу видеолавҳанинг ҳажми кичик бўлса-да, мазмун жиҳатдан катта маънога эга. Зеро, унда акс эттирилганидек, ёш авлодга юртимизнинг қадимий тарихи, олим-фузалолари, маданий бойликлари ҳамда кўҳна обидалари ҳақида тушунча бериб бориш катталар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Йултўсарлик қилиб, отангиз тенги одамни тунашга уялмай-сизларми?

Лекин ўсмирларга уят, орномус деган тушунчалар ёт эди. Улар ўзларига бўйсунмаётган Раҳмон аканинг бошига мушт тушириб, дўппослаб, тан жароҳати етказишди ва ичиди 25000 сўм пули, фуқаролик паспорти, озиқ-овқатлар ва иккита «Нокия» русумли уяли телефон бўлган сумкани олиб, гоийб бўлишди. Раҳмон Яхши-ликов бироз ўзига келгач, талончилик ҳақида ички ишлар идорасига мурожаат қилди.

Кўрилган чоралар натижа-сида Шайхонтоҳур туманида яшовчи, 1992 йилда туғилган, ишламайдиган С. Сардор, Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9-синф ўқувчилари Б. Маъруф ва Х. Мухтор мазкур жиноятни содир этганлига гумонланиб, қўлга олинди ҳамда айблар-и исботланди.

Шу ўринда ҳақли савол ту-ғилади. Хуш, катта ҳаёт осто-насида турган ўсмирни талончилик қилишга нима маж-бур қилди? Айни билим олиб, касб-хунар эгаллайдиган бир пайтда нега ноҳужа ишга қўл уришди? Хар икки саволга ҳам жавоб тайин. Тарбиядаги маъ-навий кемтиклик, катталарнинг ўз зурриёдига эътиборсизлиги, назоратини йўқлиги ва маҳал-ла-қўйнинг лоқайдлиги. Афсус-ки, кишини ўйга толдириб, му-лоҳаза юритишга ундайдиган бу каби воқеалардан яна кўп-ла мисол келтириш мум-кин. Бугунги кунда профилакти-ка инспекторлари ва воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбу-зарликларнинг олдини олиш гуруҳлари томонидан нотинч оилаларда воёга етаётган бо-ла-лар, профилактик ҳисобда турган ҳамда жиноят қилишга мойил ўсмирлар яшаётган хо-надонларда мунтазам тушунти-

риш ишлари олиб борилапти. Аммо бу камдег туолапти, на-заримизда. Болалар жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олишга нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимла-ри, балки барчамиз масъулми-з. Бу вазифага жамоат ташкилот-лари, маҳалла посбонлари ва фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия маса-лалари бўйича маслаҳатчилар, ўқитувчилар, обрўли кексалари-миз, қўйинги, ўзини шу юрт фарзандиман, деган хар бир фуқаро чин дилдан киришмас экан, баркамол авлодни камол топтиришимиз қийин кечади.

– Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Дав-лат дастури тўғрисида»ги Қарориди бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар аниқ белги-лаб берилган, – дейди рес-публика ИИБ ХОУББ бошлиғи-нинг ўринбосари, подполков-ник И. Жаҳонгиров. – Дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда республика Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан соҳавий хизматлар ҳамкорли-гида пойтахтдаги академик ли-цейлар ва касб-хунар коллеж-ларида «Ёшлар ўртасида соғ-лом турмуш тарзини қарор то-птириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдид-лардан, тубан «оммавий мада-ния» хуружларидан ҳимоя қилиш» мавзусида учрашулар ташкил этди. Тадбирларда иштирок этган вазирлик бош-бошқарма, бошқармалари, Тошкент шаҳар ИИББ ва туман-лар ИИБ масъул раҳбарлари ўқувчи-ёшлар билан мулоқот-га киришиб, уларни ташвишга солаётган муаммоларнинг ечи-мини топиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш,

диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатларга қарши кураш бўйича атрофлича фикр юри-тишди. Учрашулар пайтида мавзуга оид видеоларлар ҳам намойиш этилди. Айтиш мумкинки, мазкур тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, ёт таъсирларга муро-сасиз бўлиш, руҳий ва маъна-вий оламини бойитишда катта аҳамият касб этди.

Хар йили мамлакат миқёси-да «Давомат» кенг қамровли профилактик тадбири ўткази-лиши одат тусига кириб қолди. Биргина жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган тадбирга ички ишлар ходимларидан ташқари минг нафарга яқин фуқаролар йиғинлари вакилла-ри, ўн минг нафар маҳалла пос-бонлари, ўн тўрт минг нафар-дан ортиқ таълим муассасала-ри ўқитувчилари жалб этилди. Бунда асосий эътибор мактаб, лицей ва коллежларга сабаб-сиз келмаётган, дарсларда қат-нашмаётган ўқувчиларни аниқ-ланиб, тегишли чоралар кўришга қаратилди.

Дунё бўйича фан-техника, ахборот технологиялари, ай-ниқса, интернет тармоғи ри-вожланиб бораётган бир пайт-да болаларни фойдали машгу-лотлар, спорт тўғрисидаги жалб этиш хар қачонгидан ҳам муҳим, деб ўйлаймиш. Чунки де-ярқиз ўсмирлар бўш қолди ас-гаруна ўзларини интернет-кафе-ларга киришди ёки хонадонда-да компьютер борлари соатла-рини олдириб жимлайдилар. Бунинг ёмон жойи йўқ, албат-та. Аммо компьютер ўйинлари фарзандлари дунёқаршига қандай таъсир кўрсатаётгани-ни ота-оналар билиб қўйишни-ри фойдадан холи эмас.

Айтиш жоизки, компютер-лардан кўпроқ ақлни хархло-чи, турли бошқотирмалар ва

жангари ўйинлар урин олган. Ажабланирлиси, болаларнинг кўпчилиги зуравонлики тарғиб этувчи, махлуқлар ёки мурда-лар билан жанг олиб борила-диган ўйинларни ахтаришади. Ўн икки-ўн уч ёшдаги ўсмир «Alien shooter», «Painkiller», «Мурдалар ошени», «Драку-ла» каби жангари ва дахшатли ўйинлардан қандай сабоқ ола-ди? Бундай ўйинларга махлиё бўлиб, компютерга «михлан-ниб» қолаётган бола ҳаётда ана шу «қарамон»ларга таассуб

ларимиз айнан шу масканлар-да эъзоз топиб келапти. Шу боис ҳам «Маҳалла-оила-мак-таб» концепцияси ишлаб чиқи-ларилган ҳаётга жорий этилмоқда. Унга кўра фуқаролар йиғинла-ри фаоллари, профилактика ин-спекторлари ва мактаб ўқитув-чилари ота-она ичкилик ёки гиёҳвандликка ружу қўйган оилалар ва бу жойларда яшаёт-ган болаларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиб, имкон қадар қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишапти. Бундан ташқари,

Ўзбек халқининг бой миллий ва маънавий меросига хар канча ҳавас қилсак арзийди. Ота-боболаримиздан суяк су-риб, бизгача етиб келган гўзал анъаналар ва урф-одатларни айтмайсизми? Уларни кенг тарғиб қилиб, ўғил-қизларимиз онгига чуқур сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда оилаларимиз кўрки, хо-надонларимиз сунъичги бўлмиш кексаларимизнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида таъ-синга лойик. Бугунги кунда та-барруқ ёшдаги бу инсонлар ёш авлод қалбида маънавиятнинг илк куртакларини намоеън этаётган экан, бундан фақат қувонишимиз зарур. Биноба-рин, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юсак маъна-вият – енгилмас куч» асари-да таъкидланганидек, боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобили-яти, атрофидида одамлар бил-лан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатлари-га эга бўлиши ёки эга бўлмасли-ги, керак бўлса, дунёқарши – буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тар-биясига узвий боғлиқ. Давла-тимиз раҳбарининг ана шу сўзларидан ҳам кўриниб туриб-дики, ўз олимизга соғлом, маънан етук, баркамол авлод-ни камол топтиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, аввало оила деб аталмиш кўрғоннинг пойдевори мустаҳкам бўлиши-га эришмоғимиз лозим.



дан оилалар билан боғлиқ про-филактик тадбирлар урин ола-пти. Аммо олиб борилаётган кенг куламли ишларга қарамай, ҳамон ўсмирлар томонидан турли кўринишдаги ҳуқуқбузар-ликлар, ўғирлик, талончилик каби жиноятлар содир этил-моқда.

Хуш, бунинг асосий сабаб-лари нимада? Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оилада вужуд-га келган носоғлом муҳит, ота-она фарзанд тарбияси ва на-зоратига етарли эътибор бер-маслиги, уларнинг ўзи тарбия-га салбий таъсир кўрсатиши, болада ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги, маънавий олами шаклланимагани ва бошқа омиллар туфайли нохуш ҳолат-лар келиб чиқмоқда. Ҳаётни ку-затган одам бунга ўзи ҳам гувоҳ бўлади. Кўзимиз ўрганиб қол-ган ҳолат: воёга етмаган бола-сини дўконга арок, сигарет олиб келиш учун юбораётган отанинг фарзанди келгусида ичкиликка ружу қўймайди ёки кашанда бўлмайди, деб айта оламизми? Еҳуд ўғил-қизини доимо жеркиб берадиган, ар-зимаган нарсани баҳона қилиб жаврайверадиган онанинг бо-ласи охир-оқибат уйдан бош олиб чиқиб кетмайди, деб ким кафолат беради?

Тошкент тумани Нуробод кўчасида яшовчи Раҳмон Яхши-ликов пойтахтдаги «Чорсу» бо-зорини айланди, кейин олган

озик-овқат маҳсулотларини сумкага жойлаб, уйига кета бошлади. Атрофга қоронғилик тушаётгани учун кўчада одам сийрак эди. Хунармандлар рас-тасининг олдида ўтаётганда қаёқдандир уч ўсмир пайдо бўлиб, Раҳмон аканинг атрофи-ни ўраб олишди. У ҳали нима гаплагини ангаб етишга улгур-май қўлидаги сумкага чанг со-лишди.

– Қўйиб юборинглар, нима қилайсизлар, – деди Раҳмон ака қўлтирган «ташир-ф»дан саросимага тушиб. –



Саъдулла ШОДИЕВ.

Тўйларимиз – ўйларимиз

ХАЛҚИМИЗГА ХОС БЎЛСИН

Ўзбек халқи азалдан топган-тутганини яхши ният билан тўйга йнғади. Энг қувончи онларни бахш этувчи бу шодиёнани кўзгуга қиёсласак асло мубо-лага бўлмайди. Боиси, тўйхонага таширф буюрган мەҳмонлар маросим хай-даражада ташкил этилганига қараб оиланинг турмуш тарзи ва хонадон эга-ларининг маънавий қиёфасини осонгина илғаб олишди. Ҳозирда маҳалла-ларда тўйларни илҳам ва тартибли ўтказиш бўйича комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида айнан шу масканларда фаолият юритаётган про-филактика инспекторлари ҳам бу хайрли ишдан четда тургани йўқ. Қорақал-поғистон Республикаси ИИБ Тўртқўл тумани ИИБ ҚОУГ катта инспектори, капитан Музаффар Аллаберганов бизга қуйидагиларни гапириб берди.

Улкан театрлаштирилган байрам то-мошасини мазмунли ўтказиш учун махсус сценарий ёзилиб, сахналаштирувчи ре-жиссёр ва яна бир канча кишилар тиним билмай мейхнат қилишди. Тўйни ҳам ай-нан шунга қиёс қилиш мумкин. Бироқ уни тартибли ва камхарж қилиб ўтказиш бўйи-ча йиғилган маслаҳат ошидидаги андиша ва муроасага йўл қўйиш, дастурхонга меъри-дан ортиқ спиртли ичимликлар қўйишли-ши пировадидида нохуш ҳолатлар вужудга ке-

лишига сабаб бўлмоқда. Маҳалла оқсоқла-лари ва фаолларнинг лоқайдлиги, масъу-лиятни ҳис қилмасликлари дабдабаозлик-ни хуш кўрувчи шахсларнинг теғирмонига суе қуяди. Натижада маст-аласт одамлар-нинг шовқин-сурони узок вақт давом этиб, қўни-қўшилларга тинчлик бермайди. Энг ачинарлиси, баъзан дилни хира қилувчи ҳодисалар ҳам содир этилмоқда. Туманинг Оқбошли овулида яшовчи Со-тимбой ўз тўйида почмаси Жаббор билан ар-

зимаган нарса устида тортишиб, жанжалла-шади. У спиртли ичимлик таъсирда кучини кўрсатиб қўймоқчи булади. Муштлашув оқиб-тида Жаббор оғир тан жароҳати олиб, касал-хонага ётқизилди. Туманининг Шароф Раши-дов номи овул фуқаролар йиғинида яшовчи Саттор ҳам ким узарга тўй берди. Дастурхон-га қўйилган ҳаддан ташқари кўп спиртли ичи-мликлар ниҳоят ўз хунарини кўрсатди.

Бу борада профилактика инспекторла-рининг тутган ўрнига тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Ушбу соҳа ходимлари ўзла-рига бириктирилган маъмурий ҳудуднинг тинчлиги ва оқсоқиллигига масъул экан-ликларини унутмасликлари зарур. Шунинг учун ҳеч бир нарса уларнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак.

Туманда жами 20 та маҳалла, 17 та овул фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, улар тар-кибида ташкил этилган яраштириш, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш каби қатор комиссияларнинг аъзоси сифатида профи-лактика инспектори фуқароларнинг ижти-моий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. У халқ

орасига қанчалик чуқур кириб борса, хар қандай ҳолатда ҳам вазиятни тўғри баҳо-лай олади. Бу ҳислат шубҳасиз эл ичиди унинг обрў-эътиборини оштиради. Айниқса, овул ва маҳалла оқсоқолларининг тўйлар-ни тартибли ўтказиш бўйича профилактика инспекторлари билан ҳамфикр бўлиб иш-лаши кутилган самара бермоқда. «Кўна Тўртқўл», «Шўроҳон» овул фуқаролар йиғи-ни раислари Кўпал Гаипов ва Қўрмобди Йўлдошев, «Оққамиш» овул фуқаролар йи-ғини котиби, истеъфодаги старшина Тўйли-мурод Сапаровларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари таъсирга соловорди.

Тўйлар ортиқча сарф-харажатсиз, осо-йишта ўтишига маҳалла фаоллари билан бош-қош бўлаётган профилактика инспек-торлари, капитанлар Хамро Сапаев, Бах-тиёр Мансуров ва лейтенант Орифжон Қосимовларнинг хизматини алоҳида таъ-кидлаш лозим. Хўлоса шуки, тўйларимиз бир ёстиққа бош қўётган икки ёш бир умр эслаб юрадиган даражада файзли бўлиши аввало, ўзимизга, ҳамфикр ва ҳамжиҳат-ликда иш тутишимизга боғлиқ.

Дурдидой Худойшукуров ёзиб олди.

Қорақалпоғистон Республикаси.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

1988 йилда туғилган фуқаро **Хуршида Сайфиддинова Иноятхўжаева, қизи Ху-сина Хусанова ва қайиниси Исмоил Хуса-инович Абдулазизовлар** Андижон шаҳар ИИБ томонидан бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. Улар Андижон шаҳри Қўшарик даҳаси, 22-уй, 8-хонадонда яшаш-ган. 2010 йил 22 август кун шунанзилдан чиқиб кетиб, қайтиб келишмаган.

Хуршида Иноятхў-жаеванинг белгилари: бўйи 160–170 см, сочи қалта қора, қошлари қора, ингичка терилган, озгиндан келган, бугдой-ранг.

Алоҳида белгиси: қорнида жарроҳликдан қолган чандиғи бор.

Кийимлари: эғнида пушти ранг кўйлак, обғида зангори шиппак бўлган.

Исмоил Абдулазизов-нинг белгилари: бўйи 170–175 см, сочи қалта қора, қошлари, кўзлари қора, озгиндан келган, бугдой-ранг.

Кийимлари: эғнида қизил рангли ёнги қалта футболка, қора спорт кийими, обғида оқ шиппак бўлган.

Ўқорида исм-шарифлари қайд этил-ган фуқароларни кўрган, қардаллигини билганлардан Андижон шаҳар ИИБга ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига ха-бар беришларини сўраймиз.

Куйидаги бедарак йўқолган фуқаролар Самар-қанд шаҳар ИИБ томонидан қидирилмоқда.

Дилшод Зокиров МУРОДИЛ-ЛАЕВ. 1986 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Ипак йўли кўчаси, 48-уй, 46-хонада яшаган. 2009 йил 10 де-кабрь кун уйдан чиқиб кетиб, қай-тиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, уртача гавдали, қорачадан келган, юзи думалоқ, кўзлари, қошлари қора.

Алоҳида белгилари: баданининг орқа томониди-да холга ўхшаш доғи, хар икки овғининг бош бармоғида-ги тирноқларида чандиғи бор.

Кийимлари: эғнида малла рангли футболка, қора костюм-шим, обғида қора туфли, буйинида тилла зан-жир ва ўнг қўлида тилла узук бўлган.

Меҳрождидин Самиддинович МУСУРМОНОВ. 1992 йилда туғилган. Жиззах вилояти Зафаробод тумани Самарқанд маҳалласида яшаган. 2010 йил май ойида Самарқанд ҳуқуқшунос-лик коллежи ётқонхонасидан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 172–175 см, уртача гавдали, юзи чўзиқ, бугдойранг, қошлари, кўзла-ри, кийриклари қора, кўзлари бироз қисик.

Кийимлари: эғнида оқ рангли, ёнги узун кўйлак, қора шим, обғида қора туфли бўлган.

Ўқорида исм-шарифлари қайд этилган шах-сларни кўрган, қардаллигини билган фуқаролар-дан 8-366-233-00-03 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига ха-бар беришларини сўраймиз.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вазирилик ТИБ МТБ катта инспек-тори, майор Турдумурат Бегмуратовга во-лидди муҳтарамини **Палмвекен ТОРЕМУРАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳам-дардлик билдиради.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кен-гаши бошқарма ЁХБ бошлиғи, пол-ковник Ихтиёр Хакбердиевга олеси **Манзура ХАКБЕРДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий тарки-би ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги подполковник **Жўрабек Абдуллаев** ҳамда бошқарма ЖК ва ТҚБ бўлими бошлиғи, подполковник Бахтиёржон Абдулла-евга олеси, истеъфодаги майор **Тўхтасин АБДУЛЛАЕВИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шах-сий таркиби ва фахрийлар кенгаши Деҳқон-обод тумани ИИБ бошлиғи, подполковник М. Тангриев ва Қарши шаҳар ИИБ ТБ катта терговчиси, майор Х. Тангриевага олеси **ЖАМОЛ АЯНИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ

(1123-1197)



Буоқ фақиҳ Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23 сентябрда туғилган. У Куръонни, ҳадис илмларини мукамал эгаллаб, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада беқиёс дурдоналар яратганлиги туфайли Бурҳон уд-дин вал-л-милла ва Бурҳониддин ал-Марғиноний номлари билан машҳурдир.

У балоғат ёшига мукамал илмга эга бўлганига қарамай устозлардан таълим олишни давом эттирди. 1149 йили Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳаж сафарига борди. «Китоб ул-машойих» («Шайхлар ҳақидаги китоб») асаридан у ўзи таълим олган 40 дан ортиқ шайх ва алломани санаб ўтган. Бу рўйхатда Нажмиуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Абу ал-Асир ал-Бадавий, Абу Ёқуб ас-Саярий, Абу Исҳоқ ан-Навақдий, Жаъфар ал-Хиндувонийларнинг номлари бор. Бурҳониддин ал-Марғиноний ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазаҳби асосчиларининг асарларини ўрганган билан бирга ўзи ҳам фикҳга оид бир қатор

асарлар яратган. Бизгача етиб келган асарларидан «Бидоят ал-мунтаҳий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»), «Нашр ул-мазаҳаб» («Мазаҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ул-мазид» («Илми зиёда қилувчи китоб»), «Маносик ул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Мажа ул-навозил» («Нозил бўлган нарсалар тўплами»), «Китоб ул-фарозиз» («Фарзлар китоби») ва бошқалар маълум. Ал-Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бўлган «Хидоя» асари 1178 йили Самарқандда ёзилди. «Хидоя»нинг асосини фикҳ илми асосчиларидан бўлган Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн

Собит, Абу Абдуллоҳ, Аҳмад ибн Ханбалларнинг йирик асарлари, бу алломаларнинг шогирд ва сафдошларидан имом Абу Юсуф, имом Абу Абдуллоҳ ибн Хусайн аш-Шайбоний (имом Муҳаммад), имом Абу-л-Хазл Зуфар ибн Хазлларнинг асарлари, дастлабки тўрт халифа ва саҳобаларнинг ривоятлари, улар хабар қилган ҳадислар ташкил қилади. Асарда ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикҳ олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилларини изхор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тарихда унда қонуннинг айнан ифодасига эмас, балки унинг мукамал шарҳи ҳам асослаб келтирилди. «Хидоя» тўрт жуздан иборат бўлиб, биринчи жузга ибодат масалалари киритилган, булар: таҳорат, намоз, рўза, заковат ва ҳаж китобларидир. Иккинчи жузга никоҳ, эмизिश, талоқ, қуларни озод қилиш, топиб олинган боланинг наса-

бини аниқлаш, топиб олинган нараса, қочиб кетган қулар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулк каби масалалар киритилган. Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритиладиган мусулмон мамлакатлар ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви туфайли ислом ёдгорликлари, жумладан, шариат, фикҳга оид асарларни ўрганиш, бу соҳадаги меросимизни нашр этиш имконияти вужудга келди. Ватандошимиз ал-Марғинонийнинг «Хидоя» асари ислом ҳуқуқшунослигида машҳурлигини назарга олиб, Н. Гродековнинг инглизчадан русчага қилган ва тор доира учун мўлжалланган «Хидоя»нинг 1-китоби Тошкентда 1994 йилда юридик фанлар доктори А. Саидовнинг сўзбошиши ва шарҳи билан қайта нашр этилди. Узок мусулмон оламида ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган «Хидоя» ва унинг муаллифи Марғиноний фаолияти ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

«Маънавият юлдузлари» китобидан.

ОЙБЕК, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

АЛИШЕРНИНГ ЁШЛИГИ

(Қиссадан парча)

Алишер бу катта боғ ҳовлининг ҳар бир бурчаниги томоша қилиб ўзоқ юрди. Дархатларнинг новдаларига осилган рангдор қафаслардаги тўти, бўлбул, майналарни мароқ ила томоша қилди. Уларнинг қафас ичра тинимсиз сакрашларини, сайрашларини ўзоқ кузатиб, қушларга қараб юрадиган махсус хизматкорга эргашиб, унга битмас-туганмас саволлар берди.



Бир пайт қаршида етти ёшлардаги шаҳзода Хусайн пайдо бўлди. Унинг бошида кичкина ипак салла, устида янги баҳамал тўн, оёқларида зарҳал этик, камарига олтин сопли кичик ханжар суқилган. Хусайн осмонга сапчишга тайёр, оловдай шиноатли бола эди.

Бир пайт қаршида етти ёшлардаги шаҳзода Хусайн пайдо бўлди. Унинг бошида кичкина ипак салла, устида янги баҳамал тўн, оёқларида зарҳал этик, камарига олтин сопли кичик ханжар суқилган. Хусайн осмонга сапчишга тайёр, оловдай шиноатли бола эди.

— Жасур йигитлар-а! — деди Хусайн катталардек салмоқланаиб. — Худо хоҳласа, мен қилчбоз бўлурмен, кўзимга кўринган ённинг калласини сапчадек учурурмен. Алишер кулди: — Тушундинг, қилчбозликнинг сизга зарурияти қатталар. — Ҳа, дўстим, — деди Хусайн мағрурона, — ақлинг жойида! Алишер индамди, у майдонда чолиб юрган отларнинг қайси бири сулув, қайси бири чопқирроқ, деган хаёл билан банд эди: — Қара, кабутарлар рақсини кўри! — Алишернинг сенини тордан осмонга қараб Хусайн. Осмонда рақс этиб юрган тўда кабутарларни бир нафас кузатдилар.

— Учи туташиб кетган чинорлар хиёбонда икки отлик кўздан гойиб бўлгач, Алишер аста юриб ичкарига кирди. Базм авжида эди. — Тингла! Базм оқшомга қадар давом этди. Кейин Малика бошлиқ меҳмонлар ҳовлига чиқиб, базми тагин қизитдилар. — Юр, ўзим, кетайлик, — деди Гулбегим паст товуш билан Алишернинг қўлидан ушлади. Улар қасрдан чиққанда Гиёсиддин Кичкина боғда бир бек билан оёқ устида туриб суҳбат қураб эди. Алишер севиниб отаси олдига югурди. — Бор, чирогим, уйга боринглар, қоронгу тушди. Кўчада сизларни бобой кутиб турибди, — деди Алишернинг елкасини кўчиб Гиёсиддин Кичкина. Алишер чўзилиб отасининг буйидаги кўчакда ўпдида, четда турган онаси олдига югурди, бирга кўчага чиқиб кетдилар. — Ўғил чакки эмас, тийрак, бегона кўздан асрасин! — деди зимдан болани таъқиб қилиб турган бек. Гиёсиддин Кичкина камтарона оҳангда: — Илоҳим, мулла бўлсин, сеҳни яхши, — деди. Сўнг ўзи ҳам ичида, «Ҳа, тангим ёмон кўздан асрасин!» деб қўйди.

— Қулар, канизлар оёғига ураиб не қилиб юурсен? — деб сўради қаҳ-қаҳлаб Хусайн. — Қуларни сайр этурмен — бир-бирдан кўркам... — деб жавоб берди Алишер. — Воҳ қушлар тоифаси беҳи-собдур, лекин кабутарлардан узатси билан ишим йўқ, дўстим. Юр кўчага, зерикдим. Шаҳзода Хусайн ва Алишер кўчага отилдилар. — Катта майдонда йигитлар ўқ узиш машиқи ила машғул эдилар. Беклар, миршаблар кўп эди. Болалар қизиқиб томоша қилдилар. Бир томонда икки фил катта-катта хариларни кўтариб лопиллаб, қайдаандир ташиб келарди. Филлар устида ўтирган бўз яқтакли икки ориқ чол узаро тинмай гаплашиб, баъзан қулиб кўяр эди.

— Кабутарлар фаришталарга ўхшайди-я! — деди ўйланиб Алишер. — Мен ҳуб севадурмен кабутарларни, томошадан чарчашини билмайдурмен, ишқим баланд... Болалар ташқари ҳовлига кирганларида, одам озлигини, соядек жим турган битта-яримта сипоҳийни кўриб, Хусайн шивирлади: — Ҳазрат уйкуга кетбурдилар. Улуғ бобомиз Темурдан битта-ю, битта шу киши қолмиш, бечора кексади... — дея истеҳзо билан қулиб қўйди. Шу топда Хусайн олдига

Эй бегим, ушбу юз шамс бир-ла қамармудир! Эй бегим, ушбу сўз дутул, бол бирла шакармудир?!

Кўз учидан қиё-қиё ишва билан боқиларинг Жон томурин қияр учун тигму, ё назармудир?

Бир неча хушовоз хотинлар моҳирлик ила жўр бўлиб қулар эдилар. Қулар ранг-баранг, бир-бирдан гўзал, бир-бирдан ортиқроқ дилни банд этувчи ишқий қулар, қўшиқлар эди. Ўзлари ҳам қўшларига ўсма қўйган, кўзларига сурма торган, дуррачалари бошларига ярашган гўзал қиз-жувонлар эди.

Уртага рақосалар, паривайи қизлар тушди. Нафис, майин мовий кийимлардаги ёш рақосаларнинг лафоти гўзалликнинг муҷассамаси эди. Малика Гавҳаршод бегим махрур ўтирар, баъзан рақс кўнглига ёқиб кетгудек бўлса, ўқтамлик билан жилмайиб қўяр, ёнидаги қўтичадан пул олиб, рақосанинг оёғи остига отар эди.

Кўнгли ширин мавжларга тўлиб, хаёлчан ўтирган Алишер онасининг тиззасини секин туртиди: — Мусиқа сеҳри-я, ўйинларни қаранг, менга ёқалур... Гулбегим кулимсираган ҳолда мамнун шивирлади: — Тингла!

Базм оқшомга қадар давом этди. Кейин Малика бошлиқ меҳмонлар ҳовлига чиқиб, базми тагин қизитдилар. — Юр, ўзим, кетайлик, — деди Гулбегим паст товуш билан Алишернинг қўлидан ушлади.

Улар қасрдан чиққанда Гиёсиддин Кичкина боғда бир бек билан оёқ устида туриб суҳбат қураб эди. Алишер севиниб отаси олдига югурди. — Бор, чирогим, уйга боринглар, қоронгу тушди. Кўчада сизларни бобой кутиб турибди, — деди Алишернинг елкасини кўчиб Гиёсиддин Кичкина. Алишер чўзилиб отасининг буйидаги кўчакда ўпдида, четда турган онаси олдига югурди, бирга кўчага чиқиб кетдилар.

— Ўғил чакки эмас, тийрак, бегона кўздан асрасин! — деди зимдан болани таъқиб қилиб турган бек. Гиёсиддин Кичкина камтарона оҳангда: — Илоҳим, мулла бўлсин, сеҳни яхши, — деди. Сўнг ўзи ҳам ичида, «Ҳа, тангим ёмон кўздан асрасин!» деб қўйди.

АЛЛОМАНИ АЛДАЙ ОЛМАДИ

Тиббиётда Абу Али ибн Синонинг машҳурлигини дунё халқлари яхши билишади. Аллома тиб илмидан ташқари бошқа кўплаб соҳаларда ҳам ўта зеҳнли, ҳозиржавоб ва билимли бўлган халқимизнинг ифтихори, фахри ҳамда буюклиги тимсолидир.



Масалан, у киши ҳар кунни жуда кўп беморларни қабул қилиб, улгуролмаскан. Шунинг учун ўз қабулхонасидан ташқарига ип тортиб қўйган экан. Касал киши келиб, шу ипни ушласа, ибн Сино ипнинг титрашидан унинг томир уришини билиб, дарҳол ташхис қўяркан. Бир кун аллақандай аёл табибни алдаш мақсадида оч мушукни ушлаб келиб, бир оёғини ҳалиги ипга боғлаб қўйибди. Ибн Сино ипни ушлаб кўргач, ҳайрон бўлибди ва ўйлаб туриб шундай дебди: — Бу касал ўтган ҳафта бешта мушук туққан, унинг очликдан бошқа дарди йўқ. Агар топилса, бешта сичқон тутиб беринг, бўлмаса икки тишланг гўшт берилса, шу билан тузалиб кетади.

ДИҚКАТ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

- Ўзбекистон Республикаси (8-371) 233-22-33
- Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-39-39
- Қорақалпоғистон Республикаси
- Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76
- Тошкент шаҳар ИИББ (8-371) 232-03-30
- Андижон вилояти ИИБ (8-374) 224-87-50
- Бухоро вилояти ИИБ (8-365) 224-64-86
- Жиззах вилояти ИИБ (8-372) 226-03-02
- Навоий вилояти ИИБ (8-436) 223-06-71
- Наманган вилояти ИИБ (8-369) 226-60-55
- Самарқанд вилояти ИИБ (8-366) 233-00-00
- Сирдарё вилояти ИИБ (8-367) 225-33-30
- Сурхондарё вилояти ИИБ (8-376) 227-25-51
- Тошкент вилояти ИИБ (8-371) 264-18-32
- Фарғона вилояти ИИБ (8-373) 224-29-08
- Хоразм вилояти ИИБ (8-362) 224-32-16
- Қашқадарё вилояти ИИБ (8-375) 221-82-45
- Транспорт ИИБ (8-371) 252-61-39
- ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси (8-371) 236-23-70

21 СЕНТЯБРЬ – ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК КУНИ

1982 йили БМТ Бош Ассамблеяси мазкур кунни Халқаро тинчлик куни деб эълон қилиб, ҳар қандай қуролдан ўқ отиш ва зўравонликларнинг тўхтатилишини билдирди. Ўтган вақт ичиде миллионлаб инсонлар уни ёқлаб, жаҳондаги кўплаб мамлакат ва минтақаларга ёйиш, фақат тинчлик ҳақида ўйламай, бунинг учун ҳаракат қилиш лозимлигини англаб етмокдалар.

Мазкур кунни нишонлаш орқали БМТ айрим инсонлар, гуруҳ ва жамоатчилик эътиборини тинчлик учун кураш, уни сақлаб қолиш муаммоларига қаратиб, бу борадаги амалий тажрибалар ва ахборотлардан биргаликда фойдаланишни йўлга қўйиш госясини илгари суради. 2010 йилда мазкур сана «Тинчлик – келажакдир» шиори остида ўтади.

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAJRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
Bosh muharrir Zikrillo NE'MATOV
Bosh muharrir o'rinbosari – Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi – Azizjon FAYZIYEV
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA
TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51; E-mail: urmvd@inbox.uz
Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.
Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'ylozmarlar tahsil qilinmaydi va qaytarilmaydi.
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ.
Хафтанинг биринчи ярмида ён-атрофингиздаги асосий таъсири туфайли ҳаётингизда айрим ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Илгари иккиликни кейинга қолдирган ишларингизни давом эттириб, муваффақиятли яқунлашингиз мумкин. Хафтанинг иккинчи ярмида айрим келишмовчиликларга дуч келиш эҳтимоли бор. Фаолликни қўлдан бой бермангиз ҳаммаси кўнглидагидек кечади.

СИГИР.
Мазкур бурж остида туғилганлар яқинлари ёки шахсий муносабатлардаги ҳолатни қайта кўриб чиқишса, фойдадан холи бўлмайдилар. Бу даврда ўзингиз яхши билмаган фаолият тури билан шуғулланмаганингиз маъқул. Рўзғорда юзага келадиган айрим камчиликларни оқилона ҳал қилсангиз, яқинларингиз билан алоқаларингизга путур етказишдан сақланган бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР.
Оилавий муносабатларингиз бироз мураккаблашади. Ишга бутунлай шўнғиб кетиб, айрим муаммоларга эътибор бермаслигингиз сабабли, қийин аҳволга тушиб қолишингиз мумкин. Хафтанинг иккинчи ярмида ўйламай, таваққалга иш бошлаш муваффақият келтирмаслигини унутмангиз, охири яхшилик билан тугайди.

КИСКИЧБАҚА.
Ҳар қандай ахборотларни қийинчилик билан қабул қилишингиз боис, мазкур ҳафтада билим олишга интилмаганингиз маъқул. Шунингдек, саёҳатларга чиқиш, шошилиб қарор қабул қилиш мавриди ҳам эмас. Яқинларингиз, айниқса, оила аъзоларингиз билан муносабатларда келишмовчиликлар чиқишига йўл қўйманг.

АРСЛОН.
Хафтанинг биринчи ярмида молиявий масалаларда муаммолар туғилиши мумкин. Қарз ёки кредит олишда шомасдан, обдон ўйлаб, қарор қабул қилсангиз, зарар кўрмайсиз. Бирор ишни бошладан аввал имкониятларингизни тўғри баҳоласангиз ютқазмайсиз.

БОШОҚ.
Шахсий ва ишчанлик фаолиятингизда тушқунлик ҳолати юзага келишидан асло чўчиманг. Мухим қарорлар қабул қилиш учун далилларингизни тўғри чамаланг. Хафтанинг иккинчи ярмида ён-атрофдагилар билан дам олиб, хордиқ чиқаришингиз мумкин. Аммо бу хордиқ сизга қимматга тушмаслиги учун йўлаб иш қилинг.

ТАРОЗИ.
Мазкур ҳафтада саломатлигингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг. Сурункали касаллигингизни кўзга тутиш омиллалардан сақлангиз. Танангизни зўриқтирманг. Хафтанинг иккинчи ярмида оилавий муносабатларда эҳтиёт бўлинг. Вазиятга тўғри баҳо бериб, муомаланингизни яхшиланг. Мўросанинг тўғри усулини танласангиз, қайфиятингиз бузилмайдилар.

ЧАЁН.
Ушбу ҳафтанинг биринчи ярмида турмуш ўртоғингиз билан муносабатларингиз кескинлашиши мумкин. Шунингдек, дўстларингиз билан уршувларингизни ҳам камайтирингиз маъқул. Ҳар қандай маъмулотларга ишонаверманг. Сизга ўз таъсирини ўтказишга уринганлардан узокроқ юргангиз маъқул. Ҳар қандай ҳолатда ҳам чуқур ўйлаб, мустақил қарор қабул қилинг.

ЁЙ.
Хафтанинг биринчи ярмида режалаштирган ишингизни амалга оширишга шошилмангиз маъқул. Бироқ тушқунликка тушманг. Маънавий боғлиқ масалаларни ҳам ҳал қилишга шошилманг. Дўстларингизнинг фойдали бўлиб туюлган саёҳатга чиқиш ҳақидаги таклифлари аслида сиз учун ҳеч қандай фойда келтирмайдилар.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Ушбу ҳафтада кўплаб янги маълумотлар олишингиз кутилмоқда. Бироқ уларни илгариги маълумотлар билан таққослаб, чуқурроқ ўрганиб, ҳолисона баҳо беришни унутманг. Хафтанинг иккинчи ярмида шубҳали кишилар билан мулоқотга киришманг, улар таъсирига берилишдан эҳтиёт бўлинг.

КОВҒА.
Қўлингизда мавжуд бўлган маблағларни беҳуда сарф қилишдан сақлангиз. Фойда кўриш иштиёқида боридан айрилиб қолманг. Халқлиқчи қарор қабул қилишга шошилманг. Янги танишувлар ортиришда эҳтиёткор бўлишни маслаҳат берамиз. Мол-мулкнингизга эътиборлироқ бўлиб, ҳар қандай маълумотларга ишонаверманг.

БАЛИК.
Мазкур ҳафтанинг биринчи ярмида шахсий эркинлигингизни ҳамма нарсадан устун қўйишингиз оилавий муносабатларнинг жиддийлашишига сабаб бўлиши мумкин. Хафтанинг иккинчи ярмида ўзингизнинг ҳиссийатларингизга қулоқ тутиб иш қилишни маслаҳат берамиз. Шубҳали туюлган ишлардан воз кечинг.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-125. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 4 bosma taboq. 63659 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00.
MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.